

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

4.4. Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

- Техник таклиф, Фирменний бланкада имзоланган, номерланган ва муҳрланган холда;

- Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);

- Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тулдирилиши ва илова қилиниши лозим

- шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;

- шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик

- солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;

- ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;

- Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги

4.5. Танлов иштирокчиси:

-фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ҳолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилиги жавобгардир. Ҳолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қодаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қодаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

6.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

6.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.



Қўштепа туман Халқ таълими бўлими тасарруфидаги 11,29 умумтаълим мактабларини жорий тамирлаш ишлари буйича

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

Буюрмачи	Қўштепа туман Халқ таълими бўлими
Объект номи	Қўштепа туман Халқ таълими бўлими тасарруфидаги 11,29 умумтаълим мактабларини жорий тамирлаш
Танлаш тартиб рақами	№
Танлаш тури	Очиқ танлаш
Танлаш ҳужжатларини электрон шаклда юклаб олиш манзиллари:	etender.uzex.uz махсус ахборот парталидан юклаб олишлари мумкин
Танлаш этказик тўғрисидаги эълон чоп этишга рухсат этилди:	etender.uzex.uz махсус ахборот парталидан эълон қилинди.
Танлашда иштирок этишга кўйидаги танлаш иштирокчиларига рухсат этилади	Етарли машина механизмлар билан таъминланган соҳа бўйича зарур турувчи муҳандисларга ва ухшаш объектлар қурилишда бой тажрибага эга булган. Молиявий барқарор ташкилотлар иштирок етдилар. Қайта ташкил этилиш (бўлиниш қўшилиш) тугатиш ёки банкротлик арафасида турмаганларга, мол-мулк мусорадага олинмаган. ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок холдит ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий- ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд бўлмаганларга икки ёки ундан ортиқ пудрат ташкилотлари биргаликда (консорциум ташкил этиш орқали) иштирок этишларига рухсат этилмайди.
Лицензия талаб этиладиган иш турлари (агар мавжуд булса)	Сертификат Лицензия
Танлаш таклифларини тақдим қилиш муддатлари	Таклифларни тақдим этиш охириги муддати порталда белгиланган танлашнинг якуний муддатига қадар
Танлаш ҳужжатлари тили	Ўзбек/Рус тиллари
Танлаш предметининг объектида ишлатиладиган танлаш иштирокчисининг машина ва механизмлари асбоб-ускуналари	б-шаклига асосан Ишларни бажаришда фойдаланадиган танлаш иштирокчисининг машина ва механизмлари рўйхати
Танлаш иштирокчисининг техник ва молиявий қисмларини очилишига рухсат этилидиган танлаш иштирокчилари	Танлаш ҳужжатларида кўрсатилган малакали шахслар
Буюртмачининг объект бўйича башланғич нархи	ҚҚС билан сумм
Буюртмачи томонидан белгиланган бажариладиган иш муддати	15 календар кун.
Молиялаштириш манбаси:	Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан
Бажариладиган иш молиялаштириш тартиби:	Таъмирлаш ишларининг жорий йилдаги қийматининг 30% аванс Охириги тўлов-70% фойдаланишнинг тўлов кафолат муддати тугагандан сўнг.
Машина механизмлар тўғрисида	Ташкилотни балансида мавжуд машина механизмлари ҳақида маълумотлар ёки керакли машина ва механизмлар билан таъминловчи корхонанинг кафолат хати
Рейтинг	Пудратчининг Қурилиш вазирлиги махсус электрон

	проталида рейтинг мавжудлиги тўғрисида маълумот
Молиявий ҳолати	Корхонани охириги йиллик баланс ҳисоботлари (Давлат солиқ инспекциясидан тасдиқланган бўлиш керак). Қурилиш ташкилотини ҳисоб рақамида конкурсдаги қурилиш ишларини суммасини 20% миқдорда пул маблағи мавжуд бўлиши ёки шу миқдорда айланма маблағи борлиги тўғрисида банк хати
Ишчи ходимлар тўғрисида	Инженер ва техник ходимлар ва доимий ишчи мутахасислар тўғрисида маълумот (Ушбу маълумот Ўзбекистон Республикаси Ягона миллий меҳнат тизимидан олинши ҳамда ходимларнинг ИНПС рақами ва ИНПС га ўтказилган маблағлари тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ тақдим этилиши шарт)
Иш тажрибаси	Ташкилотни охириги уч йил мобайнида бажарган ишлари ҳамда конкурс объектига ўхшаш объектларда бажарган ишлари тўғрисида маълумот
Кафолат хати	Пудратчи 3 йил мобайнида бажарган ишлари учун кафолат бериш керак.Агар шу маддат ичида носозлик ҳолати аниқланса пудратчи ҳисобидан бартараф этилади
Шартнома тили	Ўзбек тили
Шартнома валютаси	Ўзбек сўмда